

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-1**  
**Вестник Хорезмской академии Маъмуна**  
**Издается с 2006 года**

**Хива-2022**

<b>Куванова Ш.</b> Франц Кафка ижодида инсон ва жамият тушунчаларини ифодалашнинг ўзига хос услуби .....	302
<b>Курбанова Н.А., Самигова Х.Б.</b> Тиббиёт ходимлари нуткида риториканинг ўрни .....	305
<b>Мадумарова М.Дж.</b> Нолисоний воситалар орқали ифодаланадиган танбеҳлар тахлили .....	308
<b>Матязова Н.С.</b> Образлар портретини яратишда мифологик тасвирлар .....	310
<b>Махмудов Р.</b> Ўзлашмаларнинг огаҳий тарихий асарлари поэтикасидаги ўрни .....	313
<b>Мирзахмедова Х.В.</b> Европа ва Шарқ мамлакатларида халқаро стандартлаштириш кўмиталари ...	317
<b>Назарова Д.Х.</b> Жомий “Хамса” ёзганми? .....	321
<b>Нигматуллина А.Ш.</b> Экотерминларнинг лингвистик таснифи .....	325
<b>Нурова Г.Т.</b> Категории обязательности и факультативности в синтаксисе английского языка .....	327
<b>Парпиева Н.С.</b> Образ «маленького человека» в романе Ф.М. Достоевского «Бедные люди» .....	332
<b>Полванова М.Ф.</b> Семантическая классификация фразеологических единиц с компонентом ‘денежная единица’ в узбекском языке .....	337
<b>Попов Д.В., Мамажонова М.Т.</b> Функционирование обращений в «Слове о полку Игореве» .....	340
<b>Пўлатова С.Б.</b> Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири .....	344
<b>Сайдаматов И.Н.</b> Инглиз ва ўзбек тилларида соматик компонентли фразеологик бирликлар тадқиқининг назарий асослари .....	347
<b>Сапарниязов Р.Ш.</b> Ўсимликлар билан боғлиқ халқ қарашлари ва мифологик тасаввурлар генезиси .....	350
<b>Сафарова З.Т.</b> Ғафур Ғулوم асарларида етим бола ҳаёти ва етимликка муносабатнинг ёритилиши .....	354
<b>Турғунпўлатов Д.Р.</b> Мактабда лингвопоэтика санъатини герменевтик мезонлар билан ўрганиш .....	357
<b>Умарова Н.А.</b> XX аср 60-70 йилларида миср романапислигидаги адабий жараёнлар .....	359
<b>Халилова Э.А.</b> Изучение лингвистических аспектов речевой деятельности .....	362
<b>Худайбердиева Л.С.</b> Кўп маъноли сўз маъносининг шаклланишига тил системасининг таъсири .....	364
<b>Шамсематова Б.Р.</b> Инглиз ва ўзбек тилларида миллий қадриятни ифода этувчи лексемик бирликларнинг структурал-семантик жиҳатлари .....	367
<b>Шарафиддинов Х.</b> Мақол қофиясининг структурал эволюцияси .....	370
<b>Шокирова Ш.Ш.</b> Теоретический анализ изучения видов речевого действия в лингвистике .....	372
<b>ПЕДАГОГИКА ФАҲЛАРИ</b>	
<b>Axmedova Z.M., Abdulxakova A.</b> O‘qish buzilishlarini bartaraf etishda olib boriladigan logopedik ishlar metodikasi .....	376
<b>Axmedova Z.M., Shernazarova S.</b> Maktabgacha tarbiya yoshdagi nutq kamchiligi bo‘lgan bolalarda sensor rivojlanishning mazmun va mohiyati .....	379
<b>Baymenova K.</b> O‘quvchilar bilim va salohiyatini oshirishda o‘qish savodxonligining ahamiyati .....	382
<b>Berdiyeva N.B.</b> Bo‘lajak o‘qituvchilarda ijtimoiy – madaniy kompetensiyani shakllantirishning pedagogik muammo sifatida .....	384
<b>Boronova Sh.</b> Development of the moral sphere of the preschool person. The impact of family upbringing on children .....	388
<b>Boymuratov B.N.</b> Inson salomatligi va sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda sportning o‘rni .....	390
<b>Gofurova G.M.</b> Teaching reading strategies in English language .....	393
<b>Haydarova N.G.</b> Theoretical substantiation of the use of game technologies in teaching listening in foreign language lessons .....	396
<b>Ibodullayeva F.</b> Kimyo fanini o‘qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish usullari .....	399
<b>Ishanova N. R., Nazirova Z.R.</b> Educational innovations in conditions of modern higher education institution .....	400
<b>Jabborova D.Sh., To‘raqulova D.Q.</b> Using an interactive approach in teaching speaking in English lessons at the intermediate stage .....	404
<b>Kamolova K.Yu.</b> Modern approach to teaching a foreign language .....	407
<b>Karimova B.X.</b> Mehribonlik uylari boshlang‘ich sinf tarbiyalanuvchilarida milliy g‘ururni hadislar asosida shakllantirish .....	409
<b>Madaminova S.A.</b> Interactive technologies in teaching English language .....	412
<b>Mamatova A.B.</b> Xalq o‘zaki ijodi - aqliy rivojlanishida muammosi bo‘lgan bolalar nutqini rivojlantirishni samarali vositasi sifatida .....	414
<b>Mamatova N.A.</b> The importance of formation of communicative competence in ESP learners .....	417
<b>Matveeva I.A.</b> English classes in medical simulation training centre as a tool of development of communicative professional skill .....	420
<b>Nazirov B.S.</b> Bugungi kunda Surxondaryo viloyatida jismoniy tarbiya va sportga e‘tibor: tahlil va natijalar .....	423
<b>Rasulova M.I., Baxronova Z.R.</b> Diagnostics of the effectiveness of using information and communication technologies in teaching vocabulary .....	425
<b>Saidova Z.Kh.</b> National-cultural aspect of phraseology .....	429
<b>Salimova K.M.</b> Chet tillarni masofaviy o‘qitish samaradorligini oshirish .....	432

## ҒАФУР ҒУЛОМ АСАРЛАРИДА ЕТИМ БОЛА ҲАЁТИ ВА ЕТИМЛИККА МУНОСАБАТНИНГ ЁРИТИЛИШИ

*З.Т. Сафарова, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро*

**Аннотация.** Ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндаси Ғафур Ғулом ҳам наср, ҳам назмда самарали ижод қилиб, “Шум бола”, “Менинг ўғригина болам”, “Сен етим эмассан” каби асарлари билан халқ қалбидан чуқур жой эгаллаган адибдир. Мазкур мақола ёзувчи ижодига мансуб асарларда етим болалар турмуш тарзининг реалистик бадиий тасвири ҳамда етимларга бўлган муносабатнинг турли кўринишларини таҳлилга тортади.

**Калим сўзлар:** Ғафур Ғулом, етим, етимлик, реалист, мавзу, гоё, қаҳрамон, инсон, жамият, ҳикоя.

**Аннотация.** Яркий представитель узбекской литературы Гафур Гулям успешно работал как над прозой, так и над поэзией, завоевав популярность среди людей в основном такими произведениями, как «Озорник», «Мой сыночек ворюшка», «Ты не сирота». В статье рассматривается творчество автора, в частности произведения, где присутствует реалистичное художественное изображение образа детей-сирот и анализируется отношение общества к ним.

**Ключевые слова:** Ғафур Ғулям, сирота, сиродства, реалист, тема, идея, характер, человек, общество, рассказ.

**Abstract.** A bright representative of Uzbek literature Gafur Gulyam successfully worked on both prose and verse, who gained popularity among people mostly with works such as: “Naughty boy”, “My thief child”, “You are not an orphan”. This article discusses the realistic artistic depiction of the lifestyle of orphans and various attitudes towards orphan children in the works of the author.

**Key words:** Gafur Gulyam, orphan, orphan hood, realist, novella, literary theme, main idea, character, person, society, story.

Ғафур Ғулом XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакили бўлиб, ҳам шоир, ҳам ёзувчи сифатида бирдек машҳур сўз санъаткоридир. Унинг асарларида кўзга ташланадиган энг муҳим хусусият шуки, адиб ўзбек халқининг самимияти, бағрикенглиги, инсонпарварлиги ҳамда соддадиллиги билан бир қаторда, баъзи ўринларда ҳатто салбий оқибатларга олиб келган камчиликларини ҳам борича гавдалантира олган. Ёзувчи ижодига мансуб аксарият қисса ва ҳикояларнинг марказида уларни гоё жиҳатдан бирлаштириб турувчи етимлик мотиви устунлик қиладики, бундай ижод намуналари қаторида “Ёдгор”, “Менинг ўғригина болам”, “Нетай”, “Шум бола”, “Сен етим эмассан” каби асарларни санаб ўтиш мумкин. Мазкур мақола муаллифнинг етимликка бўлган қарашлари ҳамда ўзбек халқининг етим болаларга бўлган муносабатлари нечоғлик маҳорат билан тасвирланганини таҳлил қилишга бағишланади. Маълумки, адабиёт соҳасида қалам тебратган ҳар қандай ижодкорнинг бадиий маҳорати у яратган бадиий асарлар тилида намоён бўлади. Ёзувчининг ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати, ўзига хос дунёқараши, теран фикр-мулоҳазалари, бошқалар кўзи илғамаган нозик масалаларни моҳирона ёрита олиши ва бошқа жиҳатлар бадиий асарни бойитувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Бу борада, халқ тилини чуқур билиш, чексиз сўз бойлигига эга бўлиш ҳамда ҳар бир сўз маъносидан усталик билан фойдалана олиш муҳим, албатта, аммо, қалблардан чуқур ўрин эгаллайдиган ҳақиқий маънодаги дурдона асарлар яралиши учун ёзувчи халқ дардини, орзу-хавасларини яқиндан ҳис қила олиши ўта муҳим эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ғафур Ғулом ижодига оид асарларда айнан шундай белгилар мужассамлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ёзувчининг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси қашшоқ ҳаёт кечиришига қарамай, маънавий баркамоллиги, инсонийлигини юксак даражада сақлаб қолган муштипар ўзбек кампири [2,160] ҳамда уруш даврида йўқчилик туфайли муҳтожликдан ҳаётнинг ночор кўчасига кирган ўғри ўртасидаги самимий ва дардли суҳбат асосида юзага келган. Асар ушбу суҳбатнинг тасодифий гувоҳига айланган етим бола тилидан ҳикоя қилинади. Гарчи етим бола

воқеа марказидаги қахрамон даражасига чиқарилмаса-да, етим тақдирига нисбатан инсоний илиқ туйғулар асарнинг бошидан охиригача яққол сезилиб туради. Шунга таянган ҳолда, ҳикоянинг бош мавзуларидан бири етимлик билан боғлиқ деб айта оламиз. “Менинг ўғригина болам” ҳикояси шундай сатрлар билан бошланади: *“Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил - ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришига катта онам – онамнинг оналари Роқиябиби келиб турибдилар”* [6,88].

Ҳикоя воқеалари давомида адиб бир неча бор етимлик қисмати ва тақдирига қайғураётган буви образига урғу бериб ўтади. Ўғри билан суҳбат чоғида, кампирнинг неваралари келажаги ҳақида жон куйдириб айтган куйидаги сўзлари фикримизни асослайди: *“Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шатиқ”* [6,89].

Адибнинг ота-онасидан эрта ажрагани, ёш бўла туриб ҳаётнинг паст - баландини бошидан кечиргани, шавқатсиз сахналарнинг гувоҳи бўлгани, етимликнинг аччиқ-чучугини ўзи ҳам тотиб кўргани, унинг асарларида етимларга нисбатан бундай ёндашувнинг тез-тез учраб туришига туртки бўлган бўлса, ажаб эмас. Бу фикрнинг айна ҳақиқат эканлигини Гафур Гуломнинг куйидаги мисраларидан ҳам англаш мумкин:

... мен етим ўсганман, оҳ, у етимлик...  
Вой, бечора жоним, десам арзийди,  
Бошимни силашга бир меҳрибон қўл,  
Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда. [1,70].

“Сен етим эмассан” шеърдан келтирилган юқоридаги парчада нафақат адибнинг ўз тақдирини, балки, уруш туфайли ота-онасидан эрта етим қолган минглаб болаларнинг аянчли аҳволи гавдалантирилган бўлиб, унинг ҳар бир мисрасида ниҳоятда теранлик билан юксак инсонпарварлик руҳи акс эттирилади.

Муаллиф ўз давридаги реал воқеалар тасвирини асарларида жуда эҳтиёткорлик билан гавдалантириб боради. Жумладан, “Менинг ўғригина болам” ҳикоясининг яна бир қахрамони – ўғри йигит нутқи воситасида ўша даврда ҳукм сурган ижтимоий ҳолатни куйидагича жонлантиради:

*“Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шаҳримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб: “Амаки, нон беринг”, дейди”* [6,91].

Кўриниб турибдики, Гафур Гуломнинг бош мақсади, одамларнинг эътиборини етимларга қаратиш, уларнинг тақдирига бефарқ бўлмасликка чақиришдан иборат. Оддийгина ўғри ва кампир суҳбати ортида, қанчадан-қанча олийжаноблик, инсонпарварлик ҳамда меҳроқибат туйғулари яширинганини сезиш қийин эмас. Ҳикоя сўнигида, катта қозонни олиб кетишни таклиф қилган кампирга жавобан ўғри шундай дейди:

*“- Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб қулиб хизмат қилайлик”* [6,93].

Кўриниб турибдики, ўғри образи болаларига бир бурда нон топиш илинчида чорасизликдан шу йўлга кирган бўлиб, аслида кўнгли пок, самимий; одамларга меҳри лиммолим, ўзгалар дардига ҳамдард одам. Шунинг учун ҳам, ўқувчи қалбида унга нисбатан нафрат эмас, балки илиқлик ва хайрихоҳлик туйғулари уйғонади. Асар қахрамонлари ўзлари ночор бўлсалар-да, бир-бирларига мадад бўлишга уринадилар. Кампир тўрт етим билан кунини зўрға кўраётган бўлса ҳам, ўғрининг болаларига раҳми келиб, уни қуруқ юборгиси келмайди, ўғри эса, қанчалик муҳтож бўлмасин, етимлар ҳақини олишни истамайди. Гафур Гулом шундай оддий воқеа орқали ўзбек халқининг пок ниятли самимий эканлигига ишора қилади.

Гафур Гулом қаламига мансуб “Ёдгор” қиссасида асосан, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга уриниши, оила ва ахлоқ муаммолари, янги дунёқарашнинг шаклланиши ва бошқалар тасвири бош мавзу сифатида ёритилган бўлса-да, бу асар ҳам етимлик мавзусини

четда қолдириб ўтмаган. Аниқроғи, қиссада ота-онаси томонидан воз кечилган ташландиқ бола - “тирик етим” образи мавжуд. Бошқа асарлардаги каби, бу қиссада ҳам улкан ўзбекона бағрикенгликнинг шоҳиди бўлишимиз мумкин. Ўз онаси томонидан ташлаб кетилган норасида болага мутлақо алоқаси бўлмаса-да, асар қахрамони Жўра ҳам, унинг ойиси ҳам Ёдгорни туғишганидан кам бўлмаган чексиз меҳр-муҳаббат қуршовида катта қилишади. Буни Жўранинг ушбу сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин:

*“..... ўғлим келгандан буён уйимизда анчагина эрмак топилиб қолди. Укаларим мактабдан келгандан кейин ўйнайдиган нарсалари чақалоқ. Ўзим ҳам шидан қайтгандан кейин чақалоқни қўлимга олиб, жиндек овунтирган бўламан.” [6,37].*

Келтирилган жумлалардан етим болага кўрсатилаётган меҳр-эътибор сезилиб турган бўлса-да, муаллиф халқ орасида етимларга нисбатан мавжуд бўлган ҳадиксирашни ҳам кўрсатиб ўтади. Жўранинг опаси кампир онасини қойиб айтган гаплари орқали фикримизни асослаш мумкин:

*“ ... боласини қўлига тутқазинг, хоҳлаган жойига бориб боқтирсин, худо кўтарсин, “Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим ўғлон асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар”...” [6,38]*

Ушбу жумлаларда келтирилган халқ мақоли етим бола боқишнинг баъзан салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ифодалайди. Бундай маънога эга мақоллар халқимизда тез-тез учраб туради. Масалан: *“Раҳм ема етимга, етим урар бетинга”, “Етимчадан бой чиқса, айрон бермас ичарга”, ёки “Етимни сийласанг, чориғи билан тўрга чиқар”* каби мақолларда айнан етимдан яхшилик чиқмаслиги таъкидланади. Фафур Ғулом асарларининг ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу мазмундаги мақоллар деярли барча асарларида бош қахрамон (етим бола)га зулм кўрсатувчи образлар нутқида ишлатилган. Фикримизни “Шум бола” асаридан олинган қуйидаги парча далиллайди:

*“Ҳой падарлаънат, мулоийм сунурги. “Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим ўғлон асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар” деганлар. Сен ҳароми келгандан буён дўкон-дастгоҳимдан барака кўтарилиб, такада бирор кун тинчим қолмади.” [5,147]* Кўриниб турибдики, ушбу асарда ҳам салбий образлардан бири Ҳожи Бобо етимларга жуда совуқ муносабатда бўлади. Бундай образлар орқали ёзувчи, реал ҳаётда учрайдиган шундай меҳрсиз инсонларни қаттиқ танқид остига олади. Шу билан бирга, уларга нисбатан нафрат ҳиссини китобхонга сингдириб боради, оқибатда, ўқувчи қалбида жабр кўрган етим боланинг раҳмини ейиш ва унинг дардини яқиндан ҳис қилиш каби туйғулар жўш уради. Бошқа томондан, бу асарлар кишини тамоман ғам-ғусса гирдобига чўктириб ҳам қўймайди. Улар ёзувчининг ҳаётни бадиий таҳлил этишдаги теран маҳоратини, тилдаги халқона чечанлик ва билағонлигини, характерлар яратишдаги ўзига хослигини ва айниқса, ҳазил-мутойиба, юмордаги беназир усталигини кўрсатади. Масалан, дайдилиқда тентираб, оч-наҳор юрган етим бола ҳолатини ёзувчи шундай тасвирлайди: *“Аммо баданда бир саркаш аъзо бор, у менинг ихтиёримдан ташқари, ўзбошимчароқ. Унга менинг ҳукмим ўтмайди. Билмаганлар билсин, у аъзо камдан-кам кишиларга вафо қилган – қорин.”*

Очликни муаллиф асарда бир неча бор *“бўш қоп тик турмас”, “саркаш иштаҳа”, “бедаво қорин”* каби иборалар билан ифодалайди. Барча ўринда китобхон енгил юморга ўралган аччиқ ҳақиқат билан юзлашади. Бу ёндашув ёзувчининг ўзига хос услубини юзага чиқаради.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жумабоев М. Болалар адабиёти.- Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013 .- 80 б.
2. Каримов Н. Назаров Б. Адабиёт.- Тошкент: “Ўқитувчи”, 2004 .- 366 б.
3. Фафур Ғулом. Кечмиш ва кечирмишларимдан. – адабий-танқидий мақолалар, I жилд. – Тошкент: “Фан”, 1971.
4. Фафур Ғулом. Танланган асарлар. - Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. - 362 б.
5. Фафур Ғулом. Шум бола. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2015. – 155 б.
6. Фафур Ғулом. Менинг ўғригина болам. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2017. – 125 б.